

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳарбий тузилмалари Сурхондарё вилояти ҳудудига суқилиб кирган босқинчилар гуруҳларини йўқ қилиш борасида амалга оширилаётган операцияни муваффақиятли давом эттирмақдалар. Вилоятнинг Тожикистон билан чегарадош тоғли туманларида террорчилар гуруҳи билан тўқнашув пайтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг бир неча ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди. Она Ватан даҳлсизлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган бу ўғлонларнинг хотираси халқимиз қалбига мангу барҳаётдир.

ЭНГ ОЛИЙ УНВОН

Кичик сержант Улугбек Барноевнинг ҳаёт дафтариди ҳали ёзилмаган саҳифалар кўп эди. Афсуски, тақдирнинг аёвсиз тўзонлари уларни юлқиб кетди. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган навқирон йигит Ватанимиз ҳимояси учун Сурхон сарҳадларида террорчи-газандалар ўқидан ҳалок бўлди. Уни оилада ор-номусли қилиб тарбиялаган эди. Шу боис душман билан олишувда ўлимга тик қарай олди ва каттакўргонлик ёшлар, мингминглаб юртдошларимиз қалбига ўчмас из қолдирди.

Улугбекнинг ота-онаси зиёли кишилар. Юрта ҳизмати сингган Абдулла ака — ўқитувчи, Саҳобат опа — боғча мудариси. Уларнинг оиласига Каттакўргон шаҳрида ҳаммамнинг ихлоси банд. Шундай даргоҳда воёга етган Улугбек мактабни тугатгач ҳарбий ҳаво десанти қисмида хизмат қилди. Кураш, мерганлик мусобақаларида қўли банд келганлиги учун ҳамма уни олишга омад тиларди.

Асли баъзиларда узгаларни узига тортувчи сеҳр-жозиба бўлади. Улугбек ҳам мафтункор хислатлари билан дустлари қалбини ром этган эди. Жуссасига ҳарбийлик либоси ярашиб тушган Улугбекка маҳалланинг кичик ўғлонлари хавас қилиб «катта булсак, сиздек аскар бўламиз» дей-

ишарди. Каттакўргон шаҳридаги 16-урта мактаб ва 19-хунар-техника билим юртида тахсил олган кезлари ҳаётни, касбни қадрлашгани ўрганди. Устозлар уғитига амал қилди.

Отаси Абдулла ака уни ҳарбий билим юртига кириб ўқишини, зобит бўлишини орзу қилган эди. Ахир қайси аскар генерал бўлишини ис-тамайди. Лекин кичик сержант Улугбек Барноев катта унвонларсиз Ватанимиз мард, жасур ҳимоячиси була олди. Демак у энг олий унвонга лойиқ.

Саҳобат опанинг келин тушираман, туй қиламан деган ниятлари сароб бўлди. Фарзанд улғайтириб ҳузурини кураман дейиш насиб қилмаган экан. Лекин ўгли ёш боши билан Ватанимиз, минглаб юртдошларнинг қорига яради-ку! Душман қаршисида қўқоқлик қилмади-ку! Шу нарса унинг ўқисқ қалбига таскин беради.

Демак Улугбеклар бор бўлган юрда оёсийшалика ҳеч ким раҳна солломайди. Террорчи-ёвлар эса Ватанимиз сарҳадларида лангата учраб, қашқирдек ажал топади. Мардлар жасорати эса мангу барҳаётдир.

УЗИЛГАН БИР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС...

Разведкачилар доимо олдинги маррада ўлимга тик қараб боришади. Катта сержант Маъруфжон Ражабов ҳам гуруҳ сафидида террорчи тўдалар яширинган истеҳкомларни аниқлаб артиллериячиларга хабар бериш учун разведкага чиққан эди. Буйруқни бажариб отрядга қайтишганда снарядлардан яраланиб қутирган душманлар пистирмасига дуч келиши ва...

... Аҳмадхон ака командирдан эшитганларини узун-юлук қилиб айтади. Юрагида дард зурлигидан чўқур хурсинади. Кейин ич-ичига ботиб кетган кўзларини бир нўқтага тикиб сузлашда давом этади. Йигитлар душман ўқидан бир-бирларини кураклар билан тўсиб ҳалок бўлишади.

Ёруғ оламга ёруғ орзу-мақсадлар билан келган йигитнинг армонлари ўзи билан бирга кетди. Маъруфжоннинг отаси Аҳмадхон ака, онаси Шакарбону, ака ва сингиллари тобут устида зор-зор йиғлаб қолишди.

Маъруфжон жонини халос қилиш учун якка ўзи тошлар ортига беркиниши, қалин арчазорни паналаб чекиниши мумкин эди. Лекин у дустларини, ярадор сафдошларини ташлаб кетмади. Булунгурда Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турган мард йигитлар кўп. Эндигина 23 ёшга қарши олган Маъруфжон Ражабов ана шундайлардан бири бўлиб майдонга чиққан эди.

Усмон Носир номли 18-урта мактабни

тамомлаб спортда иқтидори борлигини сезган йигит Самарқанддаги педагогика билим юртининг жисмоний тарбия бўлимига ўқишга кирди. Кейин армияда хизмат қилиб ҳарбийлик касбига қизиқиб, бўлими сафига келиб қўшилгунча тайёргорлик машқларида аъло натижаларни кўрсата олди. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳади ҳисобланмиш Сурхондарёдан тоғли суқмоқларга суқулиб кирган террорчиларга зарба бериш учун биринчилардан бўлиб отлангани ҳам бежиз эмас. Афсус тақдир уни сийламади.

Ақаси Тўлқин Ражабов ҳарбий бўлимида зобит бўлиб ўқиса Маъруфжонни тарбиялаганини, жасур, қўқмас йигит бўлиб воёга етганини фахрланиб гапирарди. Булунгур туманининг Бешкўтон қишлоғида яшовчи дустлари, синфдошлари, кўни-қўшнилари учун Маъруф мардлик, одамийлик, олижаноблик эшикларини ланг очиб кетди.

Олдий оиланинг олдий фарзанди, Ватанга меҳр-муҳаббати бисёр йигит овоз бўлиб, яшаш учун қандай хавфга хатарларга тайёр турмоқлини ўқитиб кетди. Лекин шоир айтганидек, «Узилган бир киприк абад йўқолмас». Мардлар номи дилда мангудир.

ТЎРФАЙЛАР БАЛАНДДА УЧАДИ

Олис Нурободнинг Жом қишлоғидаги хонадоннинг ёлғиз ёдгориға айлиниб қолган альбомга кўз ташлашман. Унда катта лейтенант Сайёр Саъдинов ўтган йили ўтказилган ҳарбий тайёргорлик машқларида тушган суратлар. Чехрасидан куч, қатъият, шижоат ёғилиб турибди. Суратдаги бу норгул йигит афсуски, энди орамизда йўқ.

Саъдиновлар оиласини шифокорлар оиласи деб аташади. Отаси Саид ака мохир врач, онаси-Розия ака ҳамшира. Уларнинг ўғиллари Бахтиёр, қизлари Наргиза, Мадина ҳам шифокор. Биргина Сайёр ҳарбийлик касбини танлаган эди.

Онаси Розия опа фарзандларини улғайтириб оёққа қўйиш учун қанчалик озоб-ўқубат тортмади. Турмуш уртоғи Саид ака саккизи йил илгари автохалокатга учраб ҳалок бўлганда болалар ҳали ёш эди.

Лекин қийналса ҳам бировнинг қўлига таъмагирлик билан қарамади. Жондан азиз фарзандларини қаноатли, билимли, жонқуяр қилиб тарбиялади.

Сайёр улар орасида узининг қатъияти, тежкорлиги мустақил фикрлаши билан ажралаб турарди. Шу боис у ҳарбийда хизмат қилаётганларидан онанинг кўнгли тўқ, бе-хавотир эди. Булинида ҳам Сайёرنинг обрўи банд эди. Ахир мерганлик отиши буйича мутлақ голиб, спортчи йўриқчиға, «Жасорат» медали соҳибига ким ҳам ҳавас қилмайди. Олдий аскарликдан лейтенантлик унвонига у бошқалардан тезроқ сазовор бўлганича.

Утган йили Қирғизистоннинг Боткен ҳудудига мамлакатимизга таҳдид солган террорчи-босқинчиларга қарши турган эди. Бу

йил Сурхондарё тоғларида пайдо бўлган ғаламислар гуруҳини тугатиш учун ҳам биринчилардан бўлиб жангга кирди. Аммо...

Розия опа ўғил уйлантираман деб йиғиб қўйган саруполарни қучоқлаб йиғлайди. Йигирма турт ёшида қайтмас дунёга равона бўлган дилбандини оху фарёдлари билан тирилтирмоқчи бўлади. Жом қишлоғида ота қабрининг ёнидаги янги қабр дуппайганлиги эса унга аччиқ ҳақиқатни эслатиб туради.

Бешкўт ушлаб тебратган оналарга фарзандлариниғизга ватан холини бўлма, ватанга, онамга ҳиёнат қилма деб алла айтишларини илтижо қилардим, — дейди Розия опа.

Зоир бобо ва Рисолат масмо келган кетгандан неваралари дардиға таскин эшитишади. Ватанфурӯш, олчок, босқинчиларни битта қўймай қириб ташлаш учун аскарларимизға худодан куч-қувват тилашади.

Нуробод саҳроларидан турғай бўлиб ўтган Сайёр баландларда парвоз қилаётган эди. У юртининг шону шавкатини юксакларга олиб чиқмоқчи орзу қилган, ўзбек ўғлонларининг чапдас, баҳодир, жасурлигини намойиш эта олган эди. Асли алп ўғлонлар Ватанини ҳимоя қилиш учун туғилишади. Улар учун она қадри, юрт шани ҳамма нарсадан улуғ. Сайёр ҳам алломишлар юртининг алп йигити бўлиб, шу улуг мақсад йўлида жонини тикди. Баҳодирлар учун эса улим йўқ.

Зоҳир ТЎРАКУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.



Чироқчи — вилотнинг ҳудуди ҳиҳатидан энг йирик туманларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги 65 та ўрта, 3 та лицей, 57 та таъ-яч, 2 та гимназия мактаб-ларида туман меҳнатқашларининг 514 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлари таълим-тарбия олади. Кейинги йилларда кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлом авлод давлат дастури ҳамда «Таълим тугрисида»ги қонуннинг иж-роси таъминланиб, бир қатор ижобий ишлар амал-га оширилди. Мактаблар ва мактабгача тарбия му-ассасалари замон талаб-лари асосида қайта жиҳозланаёпти. Биз туман-даги 1-урта мактабда бўлагимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. 1136 нафар

ҚАЛОВИНИ ТОПИШДИ

Мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Инсонни қадрлаш, унинг қадрига етиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқ-одоб-ли, илмли қилиб тарбиялаш, камолотга етказиш соҳасида ҳукуматимиз тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Албатта унга жавобан халқ таълими ходимлари ҳам бор имкониятларини ишга солиб, ёш авлод

баркамоллиги йўлида хизмат қилишаёпти. Айни пайтда бутун республикамиз илм масканларида янги ўқув йилига тайёргорлик қизғин кетмоқда. Бу иш Қашқадарё вилотиди ҳам намунали таш-кил этилаётир. Воҳа халқ таълими жонқуярлари янги ўқув йили билан бирга серқўёш диёримиз истиқлолининг 9 йиллигини муносиб қўтиб олиш учун барча чора-тадбирларни кўришмоқда.

устига 4536 нафар педа-гоглиримизни, аълочи ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга қийналар-дик. Энди бу муаммони ҳал этдик ҳисоби. Барча мактаб-ларимиз 10 гектардан ер олиб, давлатга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиш-ни йўлга қўйишди. Утган йили 3 та мактабимизда бунч си-наб қўрган эдик. Натиха қу-тилганидан зиёд бўлди.

— Демак, излаган имко-ният топар экан-да. Шундай эмасми? — сўрадик У. Абдурахмоновдан.

— Жуда тўғри, — деди у. — Мана янги ўқув йилига ҳам санокли қўнлар қолди. Ўқувчиларни дарсқилар бил-лан таъминлаш қай аҳволда?

— Бу масалада ҳам ташки-лий ишларни шу йилнинг апр-ель ойидан бошлаган эдик. Вилотдаги тегишли ташки-

лотлар билан шартнома туз-ганмиз. Ҳозир шу асосда мактабларимиз тулик дар-сликлар билан таъминлана-ёпти. Биз энг аввало, қўп болали, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила-ларнинг фарзандларини бе-пул дарслик билан таъмин-ляймиз. Бу йил мактаб ос-тонасига 5 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз илк бор қадам қўйишади.

Ха, тумандаги Жумабой Эрбоев номли, Акмал Ик-ромов номли, Абдумумин Бойназаров номли, Муса Жалил номли, 160-сонли ва бошқа ўрта мактабларда иш-ш кун талаби асосида таш-кил этилмоқда.

Комил САХАТОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.



— Ой бориб, омон қайт — болам!



— Юрт қорига яраб ўтганларни Оллоҳ раҳмат қилсин!..

ЎРТАДА САРСОН «НАВРЎЗ»

ёки Қорақалпоғистонда паррандачилик ҳўжалиги нега барбод бўлди?

1999 йилнинг май ойида Амударё туманидаги «Наврўз» ҳўссадорлик жамияти қошида парранда-чилик ёрдамчи ҳўжалиги ташкил этилди. Дастлаб 2000 донга қурқа туҳуми Фарғона вилотининг Боғдоқ туманидаги «Боғдоқ» парранда маҳсулотлари иш-лаб чиқариш ҳўссадорлик жамиятидан олиб келин-ди. Ҳўссадорлик жамиятида инкубаторлар йўқлиги туфайли қўшни Хоразм вилоти Урганч туманидаги «Р. Гойипов» номли бройлер очик турдаги ҳўсса-дорлик жамияти инкубаторидан алийини ёлвориб фойдаланишга тўғри келди...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Боғдоқдан келти-рилган туҳумлар Исроилда етиштирилган қурқаларни-кидир. Жўжалар турғи пар-варишланса, уч ойда улар-нинг ҳар бири 25-30 кило-грамм тош босиши мумкин. Бунинг учун исроиллик му-тахассислар паррандаларни парваришлаш технология-сини ишлаб чиқишган. Агар ушбу технологиядан четга чиқиладиган бўлса, қўтилган самарани олиш қийин.

Қурқа боқувчилар пар-рандани парваришлаш бил-лан боғлиқ барча жараёнларни кўнгилдагидек адо этиб, қисқа муддатда давлатга 24 тонна қурқа гушти топишириб, олган мажбуриятларини шараф билан удраладилар. Аммо, кейин келиб чиққан муам-молар эндиғина оёққа туриб келаётган ҳўжалик тараққиётига салбий таъсир этди.

Ҳўш, улар нималардан иборат? Ҳўсусан, «Наврўз» ҳўссадорлик жамияти 1999 йил 23 август кўни Фарғона вилоти Боғдоқ тумани «Боғдоқ» парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳўссадорлик жамия-ти билан ҳар бир донаси 167 сўмлик қурқа туҳумини олиш бўйича шартнома ту-зади.

Мазкур шартномага муво-фик «Наврўз» ҳўссадорлик жамияти 1999 йил 10 сен-тябрь кўни Мангит «Пахта» банкидан 4 миллион сум қисқа муддатли, ҳар ойда 3,5 фоиз тулаш шарти билан кре-дит олади. Олинган кредит-ларнинг 1,6 миллион суми 1999 йил 14 сентябрда «Боғдоқ» парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳўссадорлик жамиятига ўтқа-зилади. 1999 йил 20 нояб-рдаги Одибек Мадаминов номига ёзилган 18-сонли ишонч қўғози билан 8 минг донна насли қурқа туҳуми олишга шартнома тузилган. Лекин қайси йўл биландир бу 8000 донна насли қурқа туҳу-ми «Наврўз» ҳўссадорлик жа-миятига эмас, балки уларнинг инкубатори йўқлиги баҳонасида Хоразм вилоти Урганч тумани «Р. Гойипов» номли бройлер очик турдаги ҳўссадорлик жамияти инкуба-циясига қўйилди.

Сарсон-саргардонликлар ана шундан сўнг бошланади. «Наврўз» ҳўссадорлик жамия-ти вакиллари масалани ой-динлаштириш учун гоҳ Фарғонага, гоҳ Хоразмга, гоҳ «Ўзпаррандасаноат» уюшма-сига қарашли масъулияти чекланган қурқа саноат жамия-тига бузчининг моксидек

катнашади. Юқоридаги номулари зикр этилган жой-ларга бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда му-рожаат ҳам қиладилар. Лекин бирон натижа чиқмайди. Энди нима қилиш керак? Орадан қарийб 9 ой ўтибди-ки, ҳамон «Наврўз» ҳўссадор-лик жамияти қутган қурқа туҳуми, туҳум учун шартно-ма асосида туланган 1,6 миллион сум пулидан да-рак йўқ. Бунинг устига бан-кдан олган кредит қарзлар кун сайин ортиб бормоқда. Ахир емаган со-мса учун пул тулаш кишиға алам қилар экан. Қачонга-ча қўтиш керак, чидашинг ҳам, сабр-тоқатинг ҳам чегараси бор, ахир!

Бу масалага Қорақалпо-ғистон Республикаси про-куратураси қўшни Хоразм вилоти прокуратурасига аниқлик киритишни сураб маълумотнома юборди. Унда айтилишича, «Наврўз» ҳўссадорлик жамиятининг қўрган катта миқдордаги зарарини «Боғдоқ» парран-да маҳсулотлари ишлаб чиқариш жамияти ва «Р. Гойипов» номли ҳўссадор-лик жамияти тулаши керак. У й л а й м и з к и, Қорақалпоғистон Республи-каси ва Хоразм вилоти ҳўқуқни ҳимоя қилиш орган-лари масалага албатта, ойдинлиқ киритишади. Айбдорлар жасосини ола-ди. Ҳақ жойига қарор то-пади. Бу ҳол қинғирлик кучасига кирган ва кирмоқчи бўлганлар учун бир сабоқ бўлса ажаб эмас...

Икром ХОЛМУРОДОВ, журналист.

«КУВАМЕБЕЛЬ» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ ҚАРШИ «НАВРЎЗ» ДЎКОНИ

Ишхона мебеллари, мактаб столлари, уй жиҳозлари, юмшоқ мебеллар тўпламини чекланмаган миқдорда СЎТАДИ

Тўлов—пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 19-уй, «Чи-лонзор» фирмаси биноси (эски 1001 майда-чуйда дўкони).

Телефонлар: (8-37522) 4-47-28; 3-00-96.

Дўконимизда марҳамат қилини! Холис тизматимиздан фойдаланини! Бу — энг улуғ жўда қўлайдир.

ЯККА ТАРТИВДАГИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР БАХТИЁР ТўЛАНОВГА ҚАРАШЛИ ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ САВДО ДЎКОНИ

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТАДИ:

- Турли хил бўёқлар.
- Мебеллар тўплами (стенка).
- Кир ювиш машиналари.
- Турли хилдаги электр симлари.
- Кабель.
- Турли хил қўлфлар.
- Линолиум.
- Ҳар хил парашоклар.
- Турли хилдаги электр товарлари.
- Ойна наборлари.
- Рўзгорбоп пичоқлар.
- Сантехника буюмлари.
- Бетонбоп ва пардозбоп михлар.
- Ёзув машиналари.
- Уй-рўзгорда ишлатиладиган бар-ча турдаги ҳўжалик моллари.

ТўЛОВ НАҚД ПУЛ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, хўсусий тадбиркор Бахтиёр Тўлановга қарашли савдо дўкони.

Телефонлар: (8-37522), 3-75-22; 3-25-95. Ҳаридингиз бароридан келсин!

